



Мақтаб формалари хусусида гап кетганда, бу ўқув йили республикамиз ўқувчилари учун янги мактаб формалари жорий қилинди. Шунингдек, мактаб формаларини харид қилишда 50 фоизли чегирма имтиёзлар ҳам яратилган.

**"Янги ўқув йили
ташвишлари"**
2-БЕТ.

Фаранг ишбилармонлари орасида донги кетган, жуда кўп завод, параход ва газеталарнинг эгаси, миллиардер Бернар Тапи ўзининг "Адидас" концернини "Пентленд" компаниясига сотиб юборгани ҳақидаги хабар жуда тез тарқалиб кетди.

"АДИДАС"
3-БЕТ.

Мен партадошим Содиқ билан ўйнардим. "Нуқта" деб қолардим унга банагоҳ. Содиқ бу сўзни эшитиши билан ўтирган бўлса ўтирган жойида, юриб кетаётган бўлса, юриб кетаётган жойида қотиб қоларди.

"ОҚИБАТ"
4-БЕТ.

ТОҶИГ ҲОЛДУЗИ

№28
(6546)
25 август, 1993 йил
ЧОРШАНБА
Сотувда эркин
наرخда.

Ўзбекистон болалари ва ҷемирларининг газетаси

ЭҲ, ЗҲР ҲТДИ БУ СЛЁТ!

Аввал хабар қилганимиздек, 17-18 август кунлари Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Н. Островский номидаги болалар оромгоҳида XVII Республика "Саломатликнинг ёш дўстлари" слёти бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва Республикамининг турли вилоятларидаги мактаблардан 120 нафар санпостчилар иштирок этишди.

Икки кун давом этган мусобақа етти босқичдан иборат эди. Иштирокчилар сафда туриш, жароҳатланган, бахтсиз ҳодиса ва касал бўлган вақтда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, беморларни транспорт воситаларида олиб бориш, уйда беморга қараш, шахсий ва жамоа гигиенаси, юкумли касалликларнинг олдини олиш, доривор ўсимликлар ва уларни қўллаш, Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти тарихи, йўл ҳаракати қоидаларини билиш, йўл ҳаракати тасодифларида жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича баҳслашдилар. Мусобақанинг биринчи кунини шаҳар мактабларининг санпостчилари ўзаро куч синашдилар. Улар слётга яхши тайёргарлик кўрганликларини намоён этишди ва Тошкент шаҳридаги 29-мактаб санпостчилари 1-ўринни, Нукус шаҳар 14-мактаб санпостчилари 2-ўринни, Марҳамат шаҳридаги 1-мактаб санпостчилари 3-ўринни қўлга киритишди. Туман мактаб санпостчилари орасида ўтказилган мусобақалар ҳам жуда қизиқарли ўтди. Хоразм вилояти, Богот туманидаги 44-мактаб санпостчилари бу мусобақаларда биринчи бўлишди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса Самарқанд вилояти, Жомбой туманидаги 18-мактаб санпостчилари ва Сурхондарё вилояти, Деҳқонобод туманидаги 10-мактаб саломатликнинг ёш дўстлари қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Бундан ташқари, икки кун давомида шаҳар ва туман санпостчиларининг ўртасида деворий газеталар чиқариш бўйича ҳам кўрик-танлов бўлиб ўтди. Етти босқичдан иборат мусобақада, кўрик-танловда голиб чиққанларга мусобақа ташкилотчиси — Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти томонидан ажратилган пул мукофотлари, эсдалик совғалар топширилди.

Слёт якунланди. Қизгин, тортишувга бой баҳслар ортда қолди. Шундай бўлса-да, мактаб ва маҳаллаларда қизгин иш олиб бораётган саломатликнинг ёш дўстлари ўрганган билимларини яна бир мустаҳкамлаб олиш билан бирга бир қанча янгиликларни ҳам ўзлаштириб олдилар. Шунинг учун бу мусобақада мағлуб бўлганлар бўлмади, десак адашмаймиз.

СУРАТЛАРДА: XVII Республика "Саломатликнинг ёш дўстлари" слётдан лавҳалар.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.





ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ ТАШВИШЛАРИ

Янги ўқув йили қачондан бошланади: одатдагидекми, ё 1 октябрданми? Мактаб бозорлари-чи? Ягона мактаб формаси жорий этиладими ва уларни сотиб олишда қандай имтиёзлар берилади?..

Ўқувчиларнинг ёзи таътил кунлари охирида, янги ўқув йили бошланиши арафасида муҳарририятимизга бу каби саволлар жуда кўп келмоқда. Кейинги кунларда "Ўқишлар бу йил 1 октябрдан бошланар эмис" деган миш-мишларнинг тарқалиши бундай саволларнинг кўпайишига асос бўлган бўлса, ажаб эмас.

Шу масалалар юзасидан газетхонларга асосли маълумотлар бериш мақсадида муҳбиримиз Ўзбекистон Халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонович СУЛТОНОВ билан суҳбатлашди:

— 1993-94 ўқув йили одатдагидек, 2 сентябрдан бошланади. Одамлар орасидаги шов-шувга сабаб бўлган миш-мишлар масаласига келсак, мутлақо асосиз гаплар.

Биз яқинлашиб келаётган миллий ифтихор байрамимизни муносиб кутиб олиб, янги ўқув йилини жўшқин куч-райрат билан бошлашга эришишимиз лозим. Анъанага кўра янги ўқув йилининг биринчи дarsi Тинчлик ва Мустақиллик darsi бўлади. Бу дарсларда ўқувчиларга давлатимиз Бош қонуни ҳақида тушунчалар берилади, давлатимиз байроғи, мадҳиямиз ва келажгимиз ҳақида суҳбатлар уюштирилади.

— Янги ўқув йилига тайёргарликлар қандай бoряпти? Республикамик мактаблари болаларни

ўз бағрига олишга шайми?

— Жорий йилдаги молиявий ва моддий таъчилликка қарамадан республикамиз бўйича 1109та мактаб, 40та мактаб интернат, 13та мактаблараро ишлаб-чиқариш комбинати, 153та хунар-техника билим юр்தларини ялпи таъмирлашдан чиқариш кўзда тутилган эди. Шу йилнинг 10 августигача бўлган маълумотларга қараганда, 902та мактаб, 29та мактаб-интернат, 19та мактаблараро ўқув-

ўтар жамоа хўжалигидаги 844 ўринли мактаб, Гулистон жамоа хўжалигидаги 844 ўринли мактаб, Қўшқўпир тумани, "Иттифоқ" жамоа хўжалигидаги 844 ўқувчига мўлжалланган мактаблар шулар жумласидандир.

— Ўтган ўқув йилида дарсликларга таъчиллик сезилгани ёдимизда. Бу йил республикамиз ўқувчилари дарсликлар билан тўлиқ таъминланишларига умид қилсак бўладими? Шулар хусусида ҳам

гапирсангиз.

— Дарсликлар билан таъминлаш масаласи — ҳозирги кунда олдимизда турган кечиктириб бўлмас вазифадир.

Ўзбекистон республикаси ҳудудидаги ўқиш ўзбек, ўрис, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик тилларида олиб бoриладиган ўрта умумий таълим мактаблари учун 1993-94 ўқув йилида 359 номда, 28207685 нусхада дарсликлар нашр этилиши режалаштирилган бўлиб, шу кунга қадар 183 номда 21366668 нусхада дарсликлар нашр этилди ва жойларга юборилмоқда.

Шу жумладан, ўқиш ўзбек тилида олиб бoриладиган мактаблар

учун 69 номда 22785000 нусхада дарсликлар чоп этилиши режалаштирилган бўлиб, шу кунга қадар 67 номда 19949600 нусхада чоп этилиб, тақсимот асосида савдо тармоқлари орқали вилоятларга етказилмоқда. Бу дарсликларнинг 25 номдагиси янги дарслик бўлиб, қолганлари эса муаллифлар ва муҳаррирлар томонидан давр талабига мослаштирилиб қайта ишланган.

Давлатлараро банкларга пул ўтказиш тизимининг тартибга келмаганлиги туфайли бошқа республикалардаги

дарсликларнинг республикамизга етиб келиши ва ўзбек тилидаги дарсликларнинг қўшни республикаларга бoриб етиши бир қанча тўсиқларга дуч келмоқда. Ҳозир Қирғизистон ва Россия Федерацияси билан шу муаммолар мавжуд.

"Китобсавдо" бирлашмаларининг маълумотларига кўра, вилоят ҳокимиятлари томонидан мактаб кутубхоналари фондида киритилган дарсликларни сотиб олиш учун мўлжалланган маблағни ўз вақтида ажратмаганликлари туфайли мактаб дарсликларининг жойларга етиб бoриши сустлашган.

— Ягона мактаб формаси, мактаб бозорлари ҳақидаги саволлар муҳарририятимизга келаятган

аксарият мактаблар мазмунини ташкил қилади. Бу хусусда газетхонларимизга тўлиқ маълумот берсангиз.

— "Ўзбексавдо" ва "Ўзбекбирлашув" дан олинган маълумотларга кўра, ўқувчилар формалари, дафтар, қалам, ручка ва шунга ўхшаш мактаб учун зарур ашёлар етарли эмас. Шу боис юқорида кўтарилган муаммоли масалалар юзасидан зудлик билан чоралар белгиланди. Ҳар доимгидек, бу йил ҳам 20 августдан бошлаб мактаб бозорлари ишлай бошлади.

Мактаб формалари хусусида гап кетганда, бу ўқув йилида республикамиз ўқувчилари учун янги мактаб формалари жорий қилинди (суратларга қаранг). Шунингдек, мактаб формаларини харид қилишда 50 фоизли чегирма имтиёзлар ҳам яратилган.

— "Тоғ юлдузи" муҳлисларига, умуман, Ўзбекистон болаларига тилакларингиз қандай?

— Энг аввало, уларга мустақкам саломатлик тилайман. Дунёвий билимларни пухта эгаллаб, буюк давлатимизнинг муносиб авлоди бўлиб етишишларига тилакдошман.

— Эзгу ниятларингиз учун ташаккур!

Феруза ЖАЛИЛОВА суҳбатлашди.

ишлаб чиқариш комбинатлари ва 96та хунар-техника билим юр்தлари ялпи таъмирлашдан чиқарилди. Бундан ташқари республика бўйича 110.303 ўринли 272 та янги мактаб қуриш кўзда тутилган. Биринчи ярим йилликда шулардан 90 таси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бухоро вилояти, Жондор тумани, Навоий жамоа хўжалигидаги 422 ўринли мактаб, Қашқадарё вилояти, Қамаш тумани, "Оқрабoт" жамоа хўжалигидаги 422 ўринли мактаб, Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани, Самарқанд жамоа хўжалигидаги 240 ўқувчига мўлжалланган мактаб, Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани, Аваз



(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).
Темурдек завқ ва ҳавас билан голиб йигитга нигоҳ ташлади. У томошабинларнинг қийқириқлари садоси остида даврандан чиқди. Кўзлари ҳукмдорга тўқнаш келди.
— Исминг нима, ўғлим? — деди у мулоий оҳангда қаршисида тиз чўккан полвонга.
— Темур! — деди гурур ила полвон ўрнидан туриб.
— Темур! Темур! — ҳайқиришди йигитлар. Соҳибқироннинг қалбини қайноқ бир нарса иситгандай бўлди.
— Ўнбошинг ким?
— Темур!
Ўнбоши икки қадам олға чиқиб таъзим бажо қилди.
— Юзбошинг-чи?
— Темур!
Темурбекнинг чеҳрасида табассум барқ урди. Қизиқ, кўшница яна қанча темурлар бор экан-а? Бунинг сабаби недур?
— Кўрдингми, — деди секин Азизиддин, — лашкар сени қанча севади. Лашкар бу фарзандларини сенинг номинг билан атаган.
Темурбек дўстининг чеҳрасидан ифтихор ва муҳаббат ўқиди. Камтар, камсуқум дўсти одатда мақтовга тоби йўқ эди.
— Голибга кимхоб тўн ёпинг, — дея Темурбек олтин тўла халтачани полвоннинг олдига ташлади.
— Яшасин, Темур!
— Ислом шамшири, шариатпаноҳга офарин!
— Яшасин, жаҳонгиримиз Темур! Темурбек ўтган ҳар бир чодирдан шундай хитоблар янгарди.
Ҳа, бундай қўшин билан бутун жаҳонни олиш мумкин. Искандар Зулқарнайн оёғи етмаган жойларга ҳам бoриш мумкин. Имони бут, эътиқоди зўр, жанговар тажриба, уруш кўникмасига бой бу қўшин зарбига ҳеч бир лашкар дош беролмайди.

Қизиқ, энди голиб Темурбек қўшини қай томонга от сураркин? Бу жумбоққа жавобни Ислом оламидан ташқари Оврупо ҳукмдорлари ҳам зўр диққат билан кутишар эди.

БАХТИЁР ЖАҲОНГИР
"Етти йиллик юришдан сўнг Самарқандга қайтган Темур 807 йилнинг муҳаррам ойида шаҳар атрофидаги чинорзорда тўхтади, кейин эса шаҳарга бoриб, марҳум набираси Муҳаммад Султоннинг мадрасасига



тарихий лавҳалар
қадам ранжида айлаб, зиёрат қилди. Сўнг яна зиёфат бериладиган чинорзорга қайтиб келди, у ердан Боғи беҳишга ўтди, худди шу ерда Кичик Осиёга қилган юришда толиққани сезилди. Темурнинг тоби қочди.
Бироқ бир ҳафта ўтиб соғайғач, Боғи баландга кўчиб ўтди. У ердан Самарқанд дарвозасига кириб, марҳум шаҳзода Муҳаммад Султон уйда тўхтади. Шайхлар билан маслаҳатлашгач, шаҳзода Муҳаммад Султоннинг руҳига ором бoриш учун

Самарқандда яккаю ягона сағана тиклашга фармон берди. Сўнг Темур шаҳзоданинг безавол руҳи сағанасида гумбаз ҳам бўлишини тайин этди".
(Шарафиддин Али Яздийнинг "Зафарнома" асаридан).

Кастилия қироли Генрих III камергер Рюи Гонзалес де Клавихо Темурбек юртида кўрган-кечирганларини кундалик дафтарида қайд этиш билан машғул.
Пойтахтга келганидан бери унга кўрсатилаётган изза-икромдан хурсанд. "Минг бир кеча" эртақларидагидек ажойиб дунёда юргандек сезади ўзини. У кўрган Оврупо ҳукмдорлари саройлари, Англия, Франция қироллари кошоналарининг биронтаси ҳам Самарқанд ҳашамати олдида ип эшолмайди. Ана шу шаҳарда у зиммасига юкланган масъул вазифани ниҳоят чуқур ҳис этди. У оддий қирол элчиси эмас ва балки бутун христиан оламининг Темурбек юртидаги фавқулодда ва мухтор элчиси, хуфийчиси ҳамдир. Темурбек мамлакатининг иқтисоди, турмуши, маданияти, ҳарбий-сиёсий салоҳияти ҳақида аниқ ва мукамал тасаввурга эга бўлиши лозим. У, Клавихо, христиан дунёсини Темурбек қиличидан ярқираган Ислом қудратидан огоҳ қилмоғи даркор. Бу қудрат боиси нима?
Қандай қилиб бу осийлик амирзода оламшумул шон-шухратга эришди? Бу мўъжизами ё тасодиф?
Клавихо ана шу саволларга жавоб излаб бари билган-аниқлаганларини қорозга тушира бошлади.
Темурбек ўз юрти фуқароларини ўн икки тоифага бўлган. Энг юқори табақалардан биринчи ўринда пайгамбар авлодлари, саидлар, шайх ва бошқа уламолар, иккинчида эса

олимлар, илм-фан намoёндалари, мударрис ва мактабдорлар туради.
Муаррихлар ва мунажжимлар ҳам шу ўринга мансубдир. Хунармандлар, савдо-тижорат аҳли ҳам фахрий тоифага киритилган.
Клавихони ҳарбийлар ана шу тоифалардан кейинги ўринга қўйилгани ҳайратга солди. Оврупода саркарда зобитлар, қироллар биринчи ўринга қўйилган синфга мансуб. Темурбекдек буюк саркарда эса биринчи ўринга уламолар ва олимларни қўйибди! Демак, фуқароларнинг руҳияти, ахлоқи, эътиқоди ва тафаккур доираси билан машғул уламолар, аҳли илм фозиллари фаолияти муҳим ва давлат аҳамияти марказида бўлиши лозим.
Темурбек илм-фан соҳибларига хазина эшигини кенг очгандан ташқари уларга гоят марҳаматли Клавихони мулозимларидан эшитган ҳикоя ниҳоятда ҳайратга солди. Шоир Аҳмад Кармоний ва бошқа адиблар Темурбек билан бирга ҳаммомда суҳбат қуришади. Темурбек ҳазил ичра уларга "Менинг нарҳим қанча?" деб сўрайди. Шунда шоир Кармоний ҳам ҳазил ила жавоб беради: "Йигирма беш динор". Темурбек эътироз билдириб айтади: "Менинг белимдаги камаримнинг ўзи йигирма беш динор туради". Шоир эса тап тортмай: "Мен шу камарни ҳисоблашман. Чунки сенинг ўзинг бир пул ҳам турмайсан" деб жавоб беради. Темурбек одатда ҳазилни ёқтирмаса ҳам жаҳлини ичига ютиб, шоирга кулиб кўя қолади.
Клавихо ўзича тасаввур қилди. Шундай ҳазилни фаранг ё инглиз қиролига бирон адиб қилса бoрми, ҳолига маймунлар йигеларди.
Испан элчисини юртдаги тартиб, осойишталик ва фаровонлик ҳайратга солди. Клавихо дафтарига Самарқанд таърифини ёза бошлади.
(Давоми бoр).

"Адидас" фирмаси ишлаб чиққан маҳсулотлар бугунги кунда болаларнинг ҳам, катталарнинг ҳам сеvimли кийим-кечагига айланди. Уларнинг ихчамлиги, чокларининг мустаҳкамлиги, ташқи кўриниши дилдагидек эканлиги сабаб ҳам кўпчилик бу фирманинг нархи "осмонда" лигига қарамай сотиб олишади. Аммо "Адидас" кияман", деб хархаша қилаётган болакайга қараб, бу фирма ҳақида нима бидишингизни ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Билмасангиз, мана ўқиб кўринг. Бу жуда қизиқ.

Фаранг ишбилармонлари орасида донғи кетган, жуда кўп завод, параход ва газеталарнинг эгаси, миллиардер Бернар Тапи ўзининг "Адидас" концернини "Пентленд" компаниясига сотиб юборгани ҳақидаги хабар жуда тез тарқалиб кетди. Сабаби шундаки, 1990 йилда Тапи "Адидас" концернини сотиб олаётган вақтнинг ўзидаёқ у синиб бораётган, унинг рақиблари бўлмиш спорт саноати гигантлари "Найк" ва "Рибок" концернлари билан рақобатлаша олмай қолган эди. Чунки "Адидас" фақат спортчилар учунгина мослашган бўлиб, рақобатчилар эса улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиб олаётган харидорларнинг тўртдан уч қисми умуман спортга алоқалари йўқлигини тушунишган ва шунга яраша чоралар кўриб, ўз маҳсулотларининг ташқи кўринишларини такомиллаштиришга улгуришган эдилар. Натижа ҳам ёмон эмас — фаранг бозорининг 59 фоизини ана шу рақобатчилар ишлаб чиқараётган кроссовкалар эгаллаган бўлса,


"Адидас" фирмасининг маҳсулоти эса бор-йўғи 23 фоизнигина ташкил этарди.

МИЛЛИОНЛАРГА ТЕНГ ФИКР

Яхсиси ҳаммасини бир бошдан сўзлаб бера қолайлик. Кичикигагина пойабзал тозаловчисининг қандай миллионер бўлиб кетгани ҳақидаги ярим афсона воқеани яхши биласиз. "Адидас"нинг тарихи ҳам шунга ўхшаш.

Мана ўша "оёқ кийим тозаловчи" ҳақидаги маълумотлар: фамилияси Дасслер, исми — Адольф, туғилган йили — 1900, туғилган жойи — Бавария, Нюрнберг яқинидаги Херцегенаурах шаҳарчаси.

Юқорига кўтарилиш поғоналари: пойабзал тикиш



охирида таъмирланмай қолганларини елимлаб, тикиб кўйишади. Янгиларини жавонга тахлашади. Дарсликлардан ташқари, Мактуба опа кутубхонанинг бадиий адабиётини ҳам кўпайтиришга ҳаракат қилади. Ахир улар дарсда ўтилганларни мустаҳкамлашда катта ёрдам беради-да.

СУРАТЛАРДА: Ташкент шаҳридаги 132-мактаб кутубхоначиси Мактуба опа Хусанова ўзининг кичик

ДАРСЛИКДАН БОШЛАНАР МАКТАБ

Ўқув йилига тайёргарлик энг аввало кутубхоналарда бошланади. Дарсликлар синфларга ажратилиб, ўқувчиларга етказилади. Бугун бу дарсликлар кишининг кўзини қувнатади: ранг-баранг, янги. Янги фикрлар билан тўлғазилган. Шунинг учун ҳам кутубхоначи Мактуба опа Хусанованинг кичик ёрдамчилари тиним билишмайди. Ўқув йили

дастёрлари билан янги ўқув йилини кутиб олишга тайёргарлик кўришяпти.

Акмал билан Шаҳноза эса бу йил 132-мактабнинг биринчи синфига қадам кўйишади. Шунинг учун улар ёз давомида "Алифбе"ни қўлдан кўйишмади. Ҳозир улар барча харфларни яхши танишади.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



ҳунари — устакорлик дипломи — пойабзал тузатиш устахонаси — спорт билан шуғулланиш — ниҳоят, кўплаб миллионларга эга бўлиш сабаб бўлган ФИКРнинг туғилиши.

Спорт оёқ кийимларини унинг турларига қараб маҳсус тикиш лозим. Спорт "юлдуз"лари учун — унинг ҳар қайси оёғини ҳисобга олган ҳолда тикиш янада муҳим. Бу — ҳозир биз учун жуда оддий бўлган фикр орқали ўшанда, 1920 йилларда, "Ака-ука Дасслер" фирмаси ўзининг биринчи спорт кроссовкаларини чиқарганда спорт оёқ кийимларининг янги ҳаёт босқичи бошланди.

Нима учун "Ака-ука"? Нимага деганда ўшанда Адольф акаси Рудольф билан бирга ишлар эди. Кейинроқ улар келиша олмай қолишди ва Руди укасининг фирмаси билан рақобатлаша оладиган шахсий "Пума" фирмасини ташкил этади. Аммо ҳамкорликдаги даврда Адольф янги-янги фикрлар эгаси бўлиб қолади ва ана шундай фикрларнинг бири "олтинга тенг" ҳисобланади.

ЧЕМПИОН КРОССОВКАЛАР

1936 йил. Берлин. Олимпия ўйинлари. Уларнинг иштирокчилари орасида америкалик энгил атлетикачи Джесси Оуэнс ҳам бор. "Ракета-одам" номини олган бу спортчи жаҳонда отлар, велосипед, ва ҳатто, мотоцикллар билан бўлган баҳслари билан машҳур.

Ади Дасслер ўзининг бир жуфт кроссовкаларини олиб, Мюнхен-Берлин экспресс поездида ўтиради. Оуэнсни топиб, ўз маҳсулотини унга тавсия этади. Америкалик спортчи бу совғани дарров кийиб кўради, унга катта баҳо бериб, Дасслер кроссовкаларида стартга чиқади. Шундай қилиб, Джесси бавар этикдўзининг кроссовкаларида тўртта олтин медални қўлга киритишга муваффақ бўлади.

Бундай муваффақият қандай натижалар олиб келганлигини билиб олиш қийин эмас. Оуэнснинг жаҳонга машҳур бўлиши — бу бир. Дасслер кроссовкаларининг жаҳонга танилиши — бу икки. Иккинчи жаҳон уруши арафасида бундай кроссовкаларда энгил

атлетикачилардан ташқари футболчилар, боксчилар, баскетболчилар ва штангачилар, гандболчи ва курашчилар ҳам чиқа бошлашди. Бугунги кунда эса гольф ва бобслей каби спорт турлари учун ҳам маҳсус оёқ кийимлар бор.

Урушдан кейин, 1946 йилда, Дасслер резина ва елканли қайиқ учун ишлатиладиган матодан тайёрланадиган янги спорт оёқ кийимларини чиқара бошлайди. Унинг бу ишбилармонлиги Германия учун жуда оғир бўлган вақтларда ҳам фирмани қутқариб қолади. Резинани у... Нимадан олади деб ўйлайсиз? Ёнилғи учун ишлатиладиган америка канистрларидан кесиб олади.

Ҳозирги кунда, албатта, ундай эмас. Жаҳонга машҳур спортчилар ва чемпионлар кенгуру терисидан ишланган "Люкс" модели оёқ кийимлар кийишади. Уларнинг тагчармлари миҳ билан қоқилмайди, ёлимланмайди ҳам, пуфлаб тайёрланади. Бу жараён худди бошмоқни кўкка кўтараётгандай — катта-катта машиналар қарсақ чалиб тургандай туюлади.

1984 йилда Адольф Дасслернинг фирмаси, ўзининг қисқарган исмидан ташкил топган машҳур "Адидас" номига эга бўлади. Умуман олганда, Дасслер фамилияси "олтин қўл", ихтирочи, ҳар ишга уста, деган маънони англатади.

1954 йилда Ади Дасслер бутсилар учун ечиб-кийиладиган "тиш"ларни ихтиро қилди. Шу вақтдан бошлаб энг машҳур футболчиларнинг ҳам югуриш ўрнига, томошабинларни ичакузди кулгуларига сабаб бўлган майдонда тўхтамай йиқилишлари тугади.

"Адидас" — спорт кийимлари, пойабзали ва майда буюмларни ишлаб чиқарадиган энг йирик ишлаб чиқариш корхонаси. Бир кунда 100 минг жуфт оёқ кийим ишлаб чиқаришнинг ўзи бўладими? Бундан ташқари "Адидас"нинг 40 та мамлакатда ўз бўлимлари ҳам ишлаб турибди.

Омборларда ҳам миллиондан ортиқ спорт пойабзаллари сақланиб туради. Бу пойабзал солинган қутилардан Москва ва Санкт-Петербургни боғлайдиган кўприк қуриш мумкин.



Адольф Дасслернинг вафотидан кейин "Адидас"нинг иши бироз орқага кетди. Унинг тўрт нафар қизлари отасидан кейин фақат фирманинг меросхўри бўлиб қолишди. Афсуски, отасидаги ишбилармонлик, топқирлик қобилияти қизларнинг бирортасига ҳам мерос сифатида ўтмаган экан. Бундан ташқари рақобатчилар — "Найк" ва "Рибок" ўзларини тутиб олишди. Ишнинг олға кетишига хўжайиннинг ўзгариши ҳам ёрдам бера олмади. Опа-сингиллардан 600 млн. маркага "Адидас"ни сотиб олган Бернар Тапининг ишбилармонлик тажрибаси фирмани учинчи ўриндан яна биринчи ўринга чиқаришга етмади. Балки, бу иш жаҳон бозорида иккинчи ўринда турадиган "Рибок" маркаси билан машҳур пойабзалларни ишлаб чиқарувчи "Пентленд" компанияси эгаси — англиялик Стивен Рубиннинг қўлидан келар?

"ДЕТСКАЯ ДЕЛОВАЯ ГАЗЕТА"дан олинди.

Бу воқеа бешинчи синфда ўқиб юрган кезларимизда содир бўлган эди. Ушанда синфимиз ўқувчилари орасида "Нукта-вергул" ўйини жудаюм расм бўлганди. Бу ўйиннинг қизиги шундаки, ҳаракати маълум муддатга чўзиладиган ўйинда гирромлик юз бермаса, бир ойгача ҳам давом эттириш мумкин.

Мен партадошим Содик билан ўйнардим. "Нукта" деб қолардим унга банагоҳ. Содик бу сўзни эшитиши билан ўтирган бўлса ўтирган жойида, юриб кетаётган бўлса юриб кетаётган жойида хотиб қоларди. Қачонки, "Вергул" демагунимча қимирламай тураверишга мажбур эди. Бу энди ўйиннинг шартларидан.

Умуман, иккимиз шунчаки арзимаган нарсаларга ўйнаб юрардик. Лекин Нафиса билан Мақсуда жуда катта нарсага, яъни сиргага ўйнашарди.

Нафиса синфимизда энг шаддоод, ниҳоятда чўрткесар қиз эди. Лекин аълочи эди. У гапга чечанлиги билан ҳатто ўғил болаларнинг ҳам оғзини "боглаб" ташларди. Мақсуда эса камгап, ҳеч кимга қаттиқ гапирмас, кўнглига қарарди. Мен ўзининг бутунлай акси бўлган Нафиса билан қандай қилиб "Нукта-вергул" ўйнаб, бунинг устига ютқазмай юрганига ҳали-ҳануз ақлим бовар қилмайди. У ҳатто бир гал ўйинда ютди ҳам. Нафиса синфда "гирромчи" номини олмаслик учун Мақсудага эртаси куниеқ ўн сўмлик бир жуфт сирга келтириб берди. Шундан кейин уларнинг ўйини жиддий тус олиб кетди.

Бир куни жудаюм қизиқ иш бўлди. Сўнгги дарс, янглишмасам тарих дарси эди. Ўқитувчи

ўйқлама қилиб бўлгач, ўтилган мавзунини сўради, Мақсуда биринчи бўлиб жавоб бериш ниятида, қўл кўтаришга тараддулланаётган пайт...

— Нукта, — деб пичирлади унга Нафиса.

Мақсуда ҳеч нима қилолмай ўйиндошининг "вергул" дейишини кутиб ўтираверди. Бу орада дарсга тайёрларнинг ҳаммаси бирин-кетин доскага чиқишди. Нафиса ҳам жавоб бериб "5" олди. Кундалигига

бўлганча яна сўзини такрорлади: — Қани, Мақсуда, доскага. — ... — Нима бўлди? Эшитмаяпсанми?

Болалар бундан воқиф эдилар. Ўйиннинг нима билан тугашини билишга қизиқиб туришар, Мақсуда ҳозир гирром қиладиёв, деб ўйлашарди.

— Нима бўлди сенга? — хуноби ошди муаллима опамизнинг. Кейин Мақсуданинг олдига келиб, паст оҳангда:

қизиқиб кузатиб юрдик, лекин бунинг оқибати нималар билан тугашини қаёқдан билибмиз.

Уша куни дарслар тугаши билан шовқин-сурон қилганча мактабдан уй-уйимизга йўл олдик. Мактабимиз олтидан катта йўл ўтган эди. Аниқ эсимда, Мақсуда семиз, кўпол папкасини кўлтиқлаганча ҳаммадан олдинда кетиб борарди. У кўчанинг тенг яримига етганда Нафиса қичқирди:

— Мақсуда, нукта!

Мақсуда таниш овозни эшитиши билан таққа тўхтади. Нафиса буйруқни беришга берди-ю, нима биландир чалгинди. Биз эса жон ҳолатда бақира бошладик: "Мақсуда қоч, машина!" Аммо Мақсуда бизга қулоқ солмади. Чунки ўйиннинг шarti шунақа. О, тилим бормади... Уни машина уриб кетди.

Қиёмат кўпган эди: Мақсуданинг папкаси бир томонга, ўзи бир томонга учиб кетган, юзи қип-қизил қонга беланиб, ариқ бўйида ётарди. Уни уриб кетган машина сал нарига бориб тўхтади-да, шофери югуриб келди. Бир зумда воқеа содир бўлган жойда тумонат одам тўпланди, тез ёрдам машинаси, миришаб ходимлари етиб келишди. Мақсудани шифохонага олиб кетишмоқчи бўлишди, аммо...

Уни уйга олиб кетишди.

Эртасига мактабнинг кириш эшигига Мақсуданинг ўлим хабарномаси ва сурати осиб қўйилди.

Нафиса Мақсуданинг ўлимидан сўнг ўзини бутунлай йўқотиб қўйган, одамларга нима деб жавоб беришини ўйлавериб, касалликка йўлиққан эди. Ўйиннинг оқибати шундай яқун топди.

Неъмат ДУШАЕВ

ОҒИШБАТ

ҲИКОЯ

бахосини қўйдириб ўтиргандан кейингина Мақсудага "вергул" деди.

Охирги савол қийин эди. Шундай бўлсада Мақсуда жавоб беришга қўл кўтарди. Аммо яна Нафисанинг овозини эшитди:

— Нукта!

Мақсуда қўлини кўтарган қўйи қимирламай ўтиришга мажбур бўлди. Муаллима опамиз унга қараб:

— Қани, доскага марҳамат, — деди.

Мақсуда ўйиндошининг "вергул" дейишини кўтарди, лекин Нафиса жим, ўзини ҳеч нима билмагандек кўрсатишга уринарди. Бундан беҳабар муаллима опамиз ҳайрон

— Чик доскага, — деди.

— ...

Мақсуда ҳеч нима эшитмагандек бошини эгиб тураверди. Нафисанинг эса кулгиси кистарди. Аммо болалар чидай олишмади, Нафисага ташланишди.

— Шунчалик ҳам бўладими, сал эви билан-да?

— "Вергул" деб қўя қолсанг, ўласанми?

Нафиса инсофга келди, "вергул", деди Мақсудага газаб билан. Ниҳоят Мақсуда доскага чикди.

Биз бу воқеадан сўнг Мақсуданинг Нафисадан аламини олишини кутган эдик, аммо у ўйиндошига "қайтаришни" ҳаёлига ҳам келтирмади. Уларни

Шоирлар—болаларга!



ТўЛКИН.

ЁЗ НЕЪМАТЛАРИ


ДАЛА ЗАВҚИ
Далага кел,
Кенглик шунда.
Дўстлик, меҳр,
Тенглик шунда.
Хуш ёқади
Хуш ҳавоси.
Дил тортади
Қуш навоси.
Кўз қувонар
Боққан сайин.
Шамол эсар
Майин-майин.
Тонгда майса
Тақади дур.
Рақс бошлайди
Уфқда нур.
Осмон тиниқ,
Ҳаво тоза.
Эҳ, бизларга
Ором, маза!
Юр, далага,
Кенглиги бор.
Ҳаммаизга
Тенглиги бор.

ҚОВУН


Ковунигимиз —
Чексиз адир.
Эсар майин
Шамол гир-гир.
Пишган "қўкча"
Ва "босволди"
Юр тўяйлик,
Юр, Сотволди!
Сўйса бобом,
Яйрар дилим.
Тилим ёрар
Тилим-тилим.
Уни ширин
Қилган меҳнат.
Еб, отамга
Дегил: — Раҳмат!

ТАРВУЗ

Тўнига ер
Расмин қизиб.
Қулиб боқар
Бўйини чўзиб.
Тўйгунча е,
Беҳзод тоғли.
Қизил шарбат,
Ва новволти,
Поллизларда
думалашиб,
Ариқларда
юмалашиб
Тарғил тарвуз.
Хўп пишганин,
Сен танлаб у!



Хитой Халқ Республикаси, Шинжон Уйгур автоном туманининг "Торим гунчалари" ойномасидан олинди.



Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВ, А. КҮЧИМОВ,
М. ПИРМАТОВ / масъул котиб /,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Теласис агуачи:
ЎЗБЕКИСТОН ЕШЛАР ИТТИФОҚИ
МАРКАЗИЙ ҚҮМИТАСИ
Газета 1329 йил, 1 августдан
«ЛЕНИН УЧҚУНИ» номи билан
чиқра бошлаган.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
ЛЕНИНГРАД КҮЧАСИ, 32-УЙ.
Напр кўрсаткичи: 64563
Чоп этиш вақти — 18.00.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни
Газета IBM компютерерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г-492. 29939 нускада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.